

ISSN: 2181-0834  
DOI: 10.26739/2181-0834

# GEOGRAPHY:

NATURE AND SOCIETY

*Informing scientific practices around the world through research and development*



**2020**

VOLUME 3, ISSUE 1

11.00.00 – GEOGRAFIYA FANLARI

**Bosh muharrir:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Rafiqov Vahob Asomovich**  
geografiya fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o‘rinbosari:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Sharipov Shavkat Muxamajanovich**  
geografiya fanlari nomzodi, dotsent

**“Geografiya: tabiat va jamiyat” jurnali tahririy maslahat kengashi**  
**Редакционный совет журнала “География: природа и общество”**  
**Editorial Board of the Journal of Geography: Nature and Society**

**11.00.01 – Tabiiy geografiya /**  
**Физическая география /**  
**Physical geography**

*Urazbayev A.K. – g.f.d., professor*  
*Raxmatullayev A. – g.f.d., professor*  
*Abdunazarov O‘.Q. – g.f.n., dotsent*  
*Mirakmalov M.T. – g.f.n., dotsent*  
*Ibragimova R.A. – g.f.n., dotsent*  
*Yarashev Q.S. – PhD, dotsent*

**11.00.02 – Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya /**  
**Экономическая и социальная география /**  
**Economic and social geography**

*Tojiyeva Z.N. – g.f.d., professor*  
*Ahmadaliyev Y.I. – g.f.d., professor*  
*Komilova N.K. – g.f.d., professor*  
*Safarova N.I. – g.f.n., dotsent*  
*Tashayeva S.K. – g.f.n., dotsent*  
*Egamberdiyeva M.M. – g.f.n., dotsent*

**11.00.03 – Quruqlik gidrologiyasi. Suv**  
**resurslari. Hidrokimyo / Гидрология суши.**  
**Водные ресурсы. Гидрохимия / Land**  
**Hydrology. Water resources. Hydrochemistry**

*Hikmatov F.H. – g.f.d., professor*  
*Adenbayev B.Y. – g.f.d., dotsent*  
*Myagkov S.V. – g.f.d., professor*  
*Yunusov G‘.X. – g.f.n., dotsent*

**11.00.04 – Meteorologiya. Iqlimshunoslik.**  
**Агrometeorologiya / Метеорология. Климатология.**  
**Агrometeorologiya / Meteorology. Climatology.**

**Агrometeorology**  
*Egamberdiyev X.T. – DSc, dotsent*  
*Abdullayev A.Q. – g.f.d., professor*  
*Petrov Y.V. – g.f.n., professor*  
*Xolmatjonov B.M. – DSc, dotsent*  
*Xolboyev G. – g.f.n., dotsent*

**11.00.05 – Atrof-muhitni muhofaza qilish**  
**va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish /**  
**Охрана окружающей среды и рациональное**  
**использование природных ресурсов /**  
**Environmental protection and rational**  
**use of natural resources**

*Rafiqov V.A. – g.f.d., professor*  
*Sabitova N.I. – g.f.d., professor*  
*Nigmatov A.N. – g.f.d., professor*  
*Sharipov Sh.M. – g.f.n., dotsent*  
*Shamuratova N.T. – g.f.n., dotsent*

**11.00.06 – Geodeziya. Kartografiya /**  
**Геодезия. Картография /**  
**Geodesy. Cartography**

*Safarov E.Y. – t.f.d., professor*  
*Egamberdiyev A. – g.f.n., professor*  
*Musayev I.M. – g.f.n., dotsent*  
*Muborakov H. – t.f.d., professor*  
*Prenov Sh. – PhD*

**11.00.07 – Geoinformatika /**  
**Геоинформатика / Geoinformatics**

*Safarov E.Y. – t.f.d., professor*  
*Gulyamova L.X. – g.f.n., dotsent*  
*Mirmaxmudov E. – t.f.n., dotsent*  
*Abdullayev T.M. – t.f.n., dotsent*  
*Qurbonov B.T. – t.f.d., dotsent*

**Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Расулов А.Б.</b> БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ХУСУСИДА.....	4
<b>2. Матназаров А.Р.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТОҒ МУЗЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	15
<b>3. Эгамов Б.Ю.</b> ФИТРАТ ВА ГЕОГРАФИЯ.....	24
<b>4. Хамрокулова Ш.Э.</b> ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	31
<b>5. Алимова С.З.</b> МИГРАЦИЯ ВА АҲОЛИНИНГ МИГРАЦИОН ҲАРАКАТИ.....	37
<b>6. Хасанова Н.Н.</b> ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ КНР И ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЕГО ОПЫТА В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА.....	44
<b>7. Rayimov R.I., Ibragimov Sh.U., Sag`dullayev Q.A.</b> ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙОТИНИ HUDUDIY TASHKIL ETISHNING ASOSIY YO`NALISHLARI.....	51
<b>8. Mukhamadaliyeva N., Shamuratova N.</b> LINKING RURAL TOURISM TO AGRICULTURE IN UZBEKISTAN.....	58
<b>9. Tuvg`unova N.E.</b> OROLBO`YI MINTAQASINI IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA XALQARO NAMKORLIK.....	63
<b>10. Мирзаева Н.А.</b> ЭКОЛОГИК ТАФАККУР ВА ОНГ ТАЛАБАЛАР ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.....	67
<b>11. Аширов М.Б., Рахматуллаев Ж.Ф.</b> МИНЕРАЛЬНЫЕ ПАРАГЕНЕЗИСЫ И РАСШИРЕНИЕ РЕСУРСОВ СКАРНОВО- РЕДКОМЕТАЛЬНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ КОЙТАШ И ЛЯНГАР.....	73
<b>12. Аширов М.Б., Рахматуллаев Ж.Ф., Чўллийев Ф.С.</b> ЯНГИ ДОВОН КОНИ МАЪДАН ТАНАЛАРИНИ МОРФОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ҚАМРОВЧИ ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ МИНЕРАЛОГИК ТАРКИБИ.....	84

# ГЕОГРАФИЯ: ТАБИАТ ВА ЖАМИАТ


## ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

### GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

11.00.01 – Табиий география

**Хамрокулова Шахноза Эркиновна,**  
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги  
12-умумий ўрта таълим мактаби  
география фани ўқитувчиси  
E-mail: hamroqulova.shahnoza@gmail.com

#### ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0834-2020-3-4>

#### АННОТАЦИЯ

География фани – ўқувчи дунёқарашини оширишда, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасидаги бўлаётган табиий, иқтисодий – ижтимоий муаммоларни ҳар томонлама англашда баҳолашда ва бунга муносабатни шаклланишида жуда муҳим ўрин тутди. Шундай экан география ва педагогика – психология фанлари тизимида жуда кўплаб ёндашиш керак бўлган масалалар мавжуд. Ушбу мақола географиядан айрим мавзуларнинг ўқувчиларни касбга бўлган кизиқишини оширишга ва уларни касбга тўғри йўналтиришга мўлжалланган.

**Калит сўзлар:** Касбга йўналтириш, педагогик маҳорат, касб – ҳунар, мактабларда дидактика, профориентация, педагогика – психология, таълим – тарбия

---

**Хамрокулова Шахноза Эркиновна,**  
Учитель географии школы №12  
Юнусобадского района г. Ташкент

#### ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ НАПРАВЛЕНИЕ УЧЕНИКОВ НА УРОКАХ ГЕОГРАФИИ

#### АННОТАЦИЯ

География играет очень важную роль в повышении мировоззрения учащихся, во всестороннем понимании и оценке природных, экономических и социальных проблем во всех сферах жизни. Поэтому в системе географии и педагогики - психологических наук есть много вопросов, к которым нужно подойти. Эта статья предназначена для повышения интереса учеников к профессии из области географии и для ориентации их в профессии.

**Ключевые слова:** Профориентация, педагогическое мастерство, профессия, дидактика в школе, педагогика - психология, образование - воспитание.

**Khamrokulova Shakhnoza,**  
Geography teacher of 12<sup>th</sup> school in  
Yunusabad district of Tashkent

## PROFESSIONAL DIRECTION OF PUPILS IN THE LESSONS OF GEOGRAPHY

### ANNOTATION

Geography plays an important role in the development of the world of knowledge, in the universal understanding of the assessment of natural, economic and social problems in all spheres of life. Therefore, in the system of geography and pedagogy - psychological science is a lot of questions, to which we need to approach. This article is intended for increasing the interest of students in professions from the field of geography and for orientations in professions.

**Key words:** proforientation, teaching excellence, profession, didactics in school, pedagogy - psychology, education - upbringing.

*География – уникал фан.*

**А. С. Солиев**

### КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

География кенг қамровли фан. География мактабда Ер ҳақида билим берувчи фан. Ер юзи аҳолиси, фойдали қазилмаларнинг жойлашуви ва улардан фойдаланиш, Ер – инсонлар яшайдиган сайёра эканлиги ва инсоният ва табиатнинг алоқаларини кенг қўламда ўрганади. География дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириш – бу ҳам жуда масъулиятли ва ўз ўрнида жуда аҳамиятли машғулоти. Амалий жихатдан барча фанлар турли соҳалар бўйича маълумот беради, лекин География – дунёқарашни юксалтирадиган фан бўлиб, мазмун жиҳатдан “Табиат – инсон – хўжалик” учбурчагини ташкил этади. Фанимиз объекти – ҳудуд. Шундай экан биз ҳудудни ҳар томонлама ўрганамиз. Маълум бир ҳудудни ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий ва ривожланиши инфраструктураси, маиший соҳалар, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқаларни ўрганар эканмиз жуда кўп соҳаларни география фани қамраб олишини янада теранроқ ҳис қиламиз.

География фанида биз қандай усуллар билан ўқувчиларга дарс берамиз? Жуда кўп усуллар, интерфаол методлар, амалий машғулотлар ва х. к. Мана шу усуллар аввало ўқувчини онгини ўсишига, дунёқарашининг кенгайишига ва келажакда қандай соҳага қизиқишига ҳам таъсир кўрсатади. Мактабларда ҳозирда психолог доимий равишда ўқувчилар билан уларни ёшларига мос тренинглар ва психологик машғулотлар олиб боради. Фан ўқитувчилари эса боладаги бор қобилиятни кўра олади ва ўқувчини потенциали қай даражада эканлигини била олади. Оддий мисол: Бирор бир соҳа бўйича муваффақиятга эришган одамларни албатта устози булади. Ёки спорт усталарини албатта тренери булади. Уша тренер шогирдидаги потенциални кўра олади. Тренерни сўзларига ишониб ҳаракат қилган шогирд албатта чемпион булади. Ўқитувчи ҳам худди шундай. Биринчидан ўқувчига ишонч бера олади, иккинчидан уни йўналтира олади. Шундай экан ўқитувчида ўқувчилар орасида чемпионни тарбиялагандек фикрлаш устун булади. Фанимизнинг узини асос фанлардаги боғлиқлигига кўра табиий фанлар билан алоқасини кўриб чиқадиган бўлсак геодезия ва картография, геология, геоморфология, гидрология, метеорология, климатология, тупроқшунослик, геоботаника фанларига бевосита боғлиқ.

Шунинг билан биргаликда статистика, сиёсатшунослик, этнография, тарих ва археология соҳалари билан ҳам ҳамма вақт боғлиқдир. Фанга чуқурроқ ёндашсак ўсимликлар географияси, зоогеография ва хаттоки касалликлар географияси ҳам ўрганилган.

### МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Профессионал ориентация яъни профориентация – ўз қизиқиши ва ориентация яъни йўналишига қараб касб – ҳунар танлашдир. Латинча *professio* – касб, ва французча –

orientation сошлаш, йўналиш маъноларини билдиради. Яъни касбга йўналтириш. Илмий – методологик тавсияларни бир қанча олимлар ишлаб чиққанлар.

Илк бора мактабларда профориентация бўйича тизимли ёндашув Россияда XX асрнинг 90 – йилларида бошланди. “Ўқувчи – меҳнат – мутахассис” С. Н. Чистякова, “Твоя профессиональная карьера” - профориентацион курсни босқичма босқич концепцияда С. Н. Чистякова ҳамда Т. И. Шалавина ишлаб чиқдилар.[1.26] Бунда аввало меҳнат бозорига каралади. Мамлакат меҳнат бозорига қандай соҳа мутахассисликларига талаб бор. Замоनावий мутахассисликлар ва доимий керакли мутахассисликларни фарқи қандай? Оддий доктор ёки медицина ходими билан замоनावий медицина ходимини фарқи қандай? Агар битта касб эгасини ичидаги потенциални унинг орзуларига қандай эришиш мумкинлигини биз этарли даражада очиб беролмасак уларни ич – ичидаги маҳоратлари қолиб кетиши ва энг зўр мутахассис бўлиш ўрнига оддийгина инновациялардан беҳабар доимгидек бир мутахассисни етиштириб қўямиз.

Шунинг учун дарсларда ижтимоий – иқтисодий масалаларни экологияни ва атроф – муҳит ҳамда инсон омили тушунчаларини янада сингдириш бизни олдимизга қўйган вазифаларимиздан бири бўлиши даркор. Ўз ўрнида савол туғилади? Замоनावий касб эгаси қандай? Масалан оддий бир шифокор ёки оддий бир хунар эгаси қандай замоनावий бўлиши мумкин. Хаётимизни ҳар бир жабҳасига интернет ва турли янги моделдаги ижтимоий гаджетлар ва бошқа қурилмалар аллақачон кириб бўлди. Лекин хунар уни билмайдиганлар ёки фойдалана олмайдиганлар талайгина. Ёки булмаса дарсларни фақатгина китобдаги маълумотларни ўзлаштиришдан иборат деб ўйлайдиган ўқитувчилар ҳам жуда кўп.

Албатта билим чексиз ва фақатгина уни ўрганмасдан келажакда уни тадбиқ этиш энг асосийсидир. Агар у билим келажакда бизга асқотмаса уни ўрганишдан нима наф? Биз болаларни профориентацияга йўналтиришда аввало нималарга эътибор берамиз.

- мактаб ўқитувчиси ота – оналар билан мунтазам алоқани йўлга қўйиш. Чунки ота – она фарзанди бўш вақтида нима билан шуғулланишини яхши билади.
- болани қизиқишига қараб секция ёки тўғарақларга жалб қилиш
- Болани ёши ва дунёқарашини ҳисобга олиш
- Болани темпераменти ва характериға мос келадиган умумий тушунчаларни топиш

Замоनावий таълим технологияларида мактабларда профориентация – яъни ўқувчиларни касб – хунарға йўналтириш жуда керакли мавзу ҳисобланади. Касб – хунар танлашға оид жуда кўплаб олимлар илмий ва амалий ишлар олиб борганлар.

Асосан касб – хунарға йўналтириш замоनावий трендға айланиши ўтган асрнинг 90 – йилларига тўғри келади. Лекин халқимизда йиллар давомида тажрибалардан ўтиб келган кадриятға айланган ўчмас аъёнларимиз борки доно халқимиз бўладиган бола бошидан маълум дейди. Албатта ўтмишда жуда кўп алломаларимиз этишиб чиққан бу кўхна заминимизда аҳолининг асосий қисми ёшлардан иборат. Бу масала эса келажакимиз учун янада кўпроқ аҳамият талаб этадиган бир қатор мавзуларға янада аҳамият беришимизни талаб этади. Бола ёшлигидан оламни англашға қизиқишидан бошлаб, уни моторикаси ривожланишиданок ўзига хос томонлари кўрина бошлайди. Қўлиға бир нимани олиб ўйнашидан ота – она агар эътибор билан кузатса болада қандай ўзига хосликлар борлигини англаш қийин эмас. Лекин айнан катта синфларда болани ўзини мақсадига томон очиш ва унга муҳим йўналиш бериш – келгуси хаётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи касб – хунар билан бирға ўз хаёт йўлини танлайди. Шундай экан нафақат география дарсларида, балки бошқа фанларда ҳам бунга катта аҳамият беришимиз зарур. География фани устоз А. С. Солиев айтганларидек – уникал фан. Унинг кенг камровлиги шундаки, жуда кўп фанлар ва тармоқлар билан алоқададир.

География дарсларида касбга йўналтиришни ўзига хос хусусиятларини айтишдан олдин болани касб хунарға йўналтиришнинг назарий асосларига тўхталиб ўтиш зарур. Нафақат география дарсларида бошқа дарсларда ҳам дарс жараёнида халқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқариш билан машғул меҳнат аҳлларига ҳурмат ва иззат туйғуларини сингдириб боришға алоҳида эътибор қаратиш лозим. Касб-хунарға йўллаш бўйича олиб

бориладиган ишларнинг барча шакл ва методлари ўқувчиларнинг мақсадли равишда касб танлашларига хизмат қилиши лозимдир. Мактабда касб-хунарга йўналтириш ишларини йўлга қўйишда анъанавий амалий машғулот, суҳбат, диалогли мунозаралар билан бирга педагогик ўйин, конференция, мустақил фикрлар, маҳалла, ишлаб чиқариш корхоналарининг жамоалари билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар каби янги педагогик технология элементларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш биргина меҳнат таълими ўқитувчисининг ёки психологнинг иши эмас, балки бутун мактаб жамоасининг, маҳалла, ота-оналар, жамоатчиликнинг биргаликдаги ишидир.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Замонавий таълим технологиясида мактабларда профориентация – яъни мактабда ўқувчиларни касб – хунарга йўналтиришда бир нечта босқичда олиб бориш мумкин.

1. Професионал тажриба

1.1 Тайёргарлик босқичи

1.2 Амалиёт босқичи

Бунда ўқувчининг профессионал тажрибасидан келиб чиққан ҳолда икки босқичда география дарсларида касбга йўналтириш мумкин.

Таёргарлик босқичида болаларни 5–6 синфдан бошлаб уларни қизиқишларини аниқлаб йўналтириш. 5–6 синфларда ўқувчилар кўп нарсаларга қизиқадилар. Айнан қизиқишларига янаям урғуни 8 – 9 синфларда бериш лозим. Болалар улғайган сари катталар таъсирида ёки молиявий имкониятларига қараб касб танлашини ўзгартиришади. Ўқитувчини мақсади эса ҳар бир касбни уникалигини, фишқасини, ўзига хос тарафини очиб беришдадир. Хозирда жуда кўплаб замонавий касблар трендда. Психологиянинг тармоқлари, маркетинг ва менеджмент, маркетинг, промоутер, бошқарувчи директор ва инженер – технологларнинг тор мутахассисликлари замонавий касблар сифатида кўшилмоқда. Яъни бозор иқтисодиёти ривожланган сари бундай касбларга эҳтиёж кундан – кунга ошмоқда. География ўқитувчиси қандай тадбирлар ўтказсак ёки дарсларда нималарга эътибор берсак биз ўқувчини потенциалини тўғри баҳолай оламиз.

Касб – хунарлар калейдоскопи мавзусида семинар тренинг ташкил қилиш. Бундай тадбирни синф ва мактабдаги шароитимиздан келиб чиқиб белгилаймиз. 45 минут дарс вақти бунга етмайди. Бундай тадбирни кенгроқ масштабда ташкил қилишимиз мумкин.

Касб – хунарлар калейдоскопини ўтказишда гуруҳ ёки синфга ўқувчиларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касбларни бўлиб бериш мумкин. Бунда ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан касб ҳақида кенгроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилади.

Умумий маълумот. Касб – хунарга характеристика. Халқ хўжалигининг қайси тармоғи, қаерда бу касб қўлланилади, бу касбни тарихи ва келажакда ривожланиши, бошқа қандай касблар билан боғлиқлиги

1. Касб – хунар мазмуни, илмий техник жараёнларда унинг роли, характери ва натижалар, функцияси. Касбнинг сифатий жиҳатлари, моҳияти.

2. Меҳнат шароити ва шу касбга бўладиган талаблар. Санитар – гигиеник талаблар, креативлик, ижодкорлик, масъулиятлилик, эмоционаллик ёки стрессга чидамлилик, психологик адекватлик, иқтисодий шароитлар, уша касб инсонларнинг турмуш тарзига қандай таъсир кўрсатади, тўловлар, дам олишлар ва бошқа ташкилий масалаларга эътибор қаратиб мана шу юқоридаги бўлимларга жавоб топа олиш керак. [2.54]

Демак мана шу саволларга агар ўқувчи асосий жиҳатларига жавоб бера олса, маълумот тўплай олса демак, унда шу касбга ҳақиқатан қизиқиш бор.

Касб – хунарлар калейдоскопини ўтказишда ўтказишда

1. Информация тўплаш

2. Мақсадни аниқлаб режа тузиш

3. Менинг иш фаолиятим натижаси

Мана шу 3 та саволга аҳамият бериб ишлаш зарур.

Энди эса мавзуларимизнинг бевосита қандай касбларга боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

№	Дарс мавзуси	Касбга йўналтириш
1	Дунёнинг сиёсий харитаси	Дипломат. Лоббист. Спикер
2	Давлатлар тузилиши ва бошқаруви	Ўлкашунос
3	Халқаро иқтисодий алоқалар	Иқтисодий географ, политолог, халқаро журналист
4	Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси	Эколог, ландшафтшунос
5	Атроф муҳитнинг ифлосланиши ва уни муҳофаза қилиш	Биолог, Эколог
6	Табиий ва минерал ресурслар	Геолог
7	Биологик ресурслар ва сув ресурслари	Океанограф, гидролог, туризм ва меҳмонхоналар бизнеси
8	Илмий техник революция	Тарихчи
9	Жаҳон хўжалиги	Маркетолог, логист, халқаро иқтисодий алоқалар бўйича ходим
10	Жаҳон хўжалиги ва техник тараққиёт	Менежер, промоутер, маркетолог
11	Дунё аҳолиси ва демографик сиёсат	Социолог, этнограф, демограф
12	Аҳоли жойлашуви ва миграцияси	Миграция ходими
13	Ер шари аҳолисининг диний таркиби	Тарихчи, файласуф
14	Аҳоли жойлашуви. Урбанизация	Архитектор, урбанист
15	Иссиқлик – энергетика комплекси	Техник – инженер
16	Электроэнергетика	Инженер – энергетик, инженер, техник, систем – инженер
17	Қора металлургия	Машинасозлик инженерии
18	Рангли металлургия	Технолог
19	Машинасозлик саноати	Машинасоз – технолог, технолог, инженер – конструктор
20	Енгил саноат ва химия саноати	Технолог, инженер, химик, аналитик
21	Европа	Таржимон, тилшунос
22	Шарқий Осиё	Шарқшунос – филолог, халқаро туризм, дипломат
23	Глобал муаммолар, гипотезалар	Математик астроном, физик, метеоролог

Биз бу жадвалда айрим мавзуларга қизиқишидан ҳам ўқувчини касбга алоқадор характерларини очиб бера олишимиз мумкинлигини кўриб чиқдик. Бу жадвалда айрим мавзулар келтирилган. Бу мавзуларга оид замонавий касблар ҳам келтириб ўтилган. Ҳар бир ўқувчи – бу бир ўзига хос олам. Психологларда шундай фикр бор – ҳар бир инсон у бамисоли айсберг – яъни айсбергни океандан фақатгина устки қисми кўриниб туради, океан тагида эса жуда улкан катта муз тоғи бизга кўринмайди. Инсонлар ҳам бамисоли айсберг кабидир. Уларни амбицияси, орзу – мақсадлари ва интилишларини кўра ўқитувчи учун олиш жуда муҳимдир. Айрим ўқувчилар мақсадини орзуларини баён этишдан уялади ёки аниқ бир тўхтамга келмагани сабабли тўлиқ таърифлай олмайди қизиқишларини, ва албатта буни яна усмирлик даври физтологик, руҳий ҳолатлари билан бохлашимиз ҳам мумкин. Ўсмирлик даври ҳам ўқувчиларда алоҳида ёндашув талаб қилади.[3.57] Бунда албатта психологлар билан ҳамкорликда машғулотлар ўтказишимиз мумкин.

#### **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат таълим тизимининг асосий жараёнидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар бир ўқувчи – бир олам. Уни ўзига хос томонларини топиш, кашф қилиш жуда мураккаб ва масъулиятли ишдир. Ҳар бир инсонни кашф этишда уни ўзлигини англашида албатта устоз мураббийни



хизмати катта. Иш ўринларига, замонавий талабларга, касбнинг долзарблигига қараб ҳар бир касбнинг мазмун моҳиятини англашиш ўқитувчининг зиммасида ва бу ишда албатта ўқувчи билан дўстона муҳитни яратиш суҳбатлар олиб бориш муҳимдир. Ота – оналар билан ҳамкорликда ишлаш, очик дарс ёки очик эшиклар куни, орзулар семинар тренингини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ. Ва албатта бунда устозлар синф раҳбарлари ва мактаб психологи билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мақола бўйича қуйидаги хулоса ва тавсияларни беришимиз мумкин:

- Мактабларда фан ўқитувчилари ва психологлар бирга фаолият юритишларига замин яратиш – яъни турли хил тадбирлар ва суҳбатлар ўтказишда фақат психологлар эмас балки фан ўқитувчиларининг ҳам иштироки муҳим эканини таъкидлаш
- Мактабда юқори синфларда “Касб – ҳунарлар калейдоскопи” тадбирини ўтказиш
- Дарсларда мавзунини қандай касбларга боғлиқлигини боғлай олишни суҳбат, бизнес ғоя тузиш ва қизиқарли асослар билан ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар билими ва ўз устида ишлашларига эришиш.

### Иқтибослар

- [1] Твоя профессиональная карьера (8, 9 класс). Авторы: П.С.Лернер, Г. Ф. Михальченко, А. В. Прудило, Н. П. Зазнобина, Н.Ф. Родичев, И. А. Умовская, С. Н. Чистякова, Т. И. Шалавина. 26 – стр.
- [2] Твоя профессиональная карьера (8, 9 класс). Авторы: П.С.Лернер, Г. Ф. Михальченко, А. В. Прудило, Н. П. Зазнобина, Н.Ф. Родичев, И. А. Умовская, С. Н. Чистякова, Т. И. Шалавина. 54 – стр.
- [3] Оила психологияси . В. М. Каримова. Тошкент – 2007 57 -б

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И. П. Гладилина, Гришакина О.П., Попов Д.В. Основы исследовательской деятельности школьников. Учебное пособие – М.: ООО «Центр полиграфических услуг» «Радуга», 2010 г.
2. А. М Зотова Игры на уроках географии Дрофа 2012 г
3. Профорентация на уроках географии. Организация профпробы в курсе географии. Автор – Ломака М. Г., учитель географии Гимназия “Маринская”, Таганрог
4. Асадов Й. М., Ҳалимов Э. З. Таълим жараёнида руҳий ҳолатлар диагностика ва коррекцияси. – Т., 2005
5. Оила психологияси. В. М. Каримова. Тошкент 2007
6. <https://nsportal.ru/shkola/geografiya/library/2013/02/27/proforientatsiya-na-urokakh-geografii>
7. <https://infourok.ru/proforientatsiya-i-profproba-na-urokah-geografii-861877.html>
8. <http://gyu.uz/>
9. <https://www.uzedu.uz/>

## **GEOGRAFIYA: TABIAT VA JAMIYAT**

**3 SON, 1 JILD**

## **ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО**

**НОМЕР 3, ВЫПУСК 1**

## **GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY**

**VOLUME 3, ISSUE 1**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000